

«ТАСДЛИҚЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Президент таълим муассасалари  
агентлиги Сирдарё вилоят ҳудудий  
бўлими бошлиғи Танлаш харид  
комиссияси раиси

Н.Н.Холбоева



2022 йил «24» октябр



Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари  
агентлиги ҳузуридаги Гулистон туман ихтисослаштирилган  
мактаб-интернатида соғлом овқатлантиришни аутсорсинг  
усулида ташкил этиш хизматини харид қилиш учун энг яхши  
таклифларни

**ТАНЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ  
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

## **II. ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

**Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда икки ва беш маҳал соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш юзасидан аутсорсинг хизматини харид қилиш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш” тўғрисидаги <b>218-сон қарори</b> билан тасдиқланган Агентлик тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда – Низом) Агентлик тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш тартибини белгилайди.
2	Мактабларда Аутсорсинг усулида беш ва икки маҳал соғлом овқатлантириш Низомда белгиланган тарғиблар ва қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.
3	Аутсорсер мактабларда соғлом овқатлантириш хизматларини кўрсатишда, таомнома тайёрлашда, озик-овқат маҳсулотларини ишлатишда ва таомлар тайёрлашда махсус ишлаб чиқилган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0024-22-сон СанҚваН)га қатъий риоя этиши лозим.
4	Аутсорсер аутсорсинг усулида соғлом овқатлантириш бўйича хизмат кўрсатишни сифатли ташкил этишда куйида кўрсатилган қонунчиликдаги белгиланган тартиб ва қоидаларга амал қилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларида белгиланган тартиб ва қоидаларига; Ўзбекистон Республикасининг 26 август 2015 йилдаги ЎРҚ-393-сонли «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Қонунига; Ўзбекистон Республикасининг 30 август 1997 йилдаги ЎРҚ-483-I-сонли «Озик-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонунига; Ўзбекистон Республикасининг 24 апрел 1996 йилдаги ЎРҚ-221-I-сонли «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига.
5	Иштирокчилар соғлом овқатлантиришни ташкил этиш бўйича таклиф қилинаётган хизмат учун ишлаб чиқилган <b>10 кунлик намунавий Таомнома режасини</b> (3-илова) Буюрмачига тақдим этишлари лозим.
6	Аутсорсинг хизматларига ҳақ тўлаш миқдори – Иштирокчи (аутсорсер) барча харажатларини (солиқлар, ходимларнинг иш ҳақи, транспорт хизматлари ҳамда асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва бошқаларни) ўз ичига оладиган <b>30 фойзгача устама ҳақини</b> белгилаш ҳуқуқига эга.
7	Аутсорсер харид қилинаётган озик-овқат маҳсулотлари ва тайёрланаётган таомлар, фойдаланиладиган технологик жиҳозларнинг санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мослигига, ошхона ходимлари томонидан таом тайёрлаш технологияси қоидаларига риоя қилинишига, ошпазларнинг ҳар уч йилда бир марта малака оширишига, тиббий кўрикдан ўтган ҳолда ишга қўйилишига шахсан масъул ҳисобланади.

8	<p>Аутсорсерга мактабнинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелидан фойдаланганлик учун ижара тўлови “ноль” ставка бўйича белгиланади, ҳамда овқатлантиришни ташкил этиш учун истеъмол қилинадиган коммунал хизматлар қиймати мактабга ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари доирасида қопланади. Ижара асосида топширилган ошхона ва ошхона жихозларини таъмирлаш, ходимлар иш ҳақи, ошхона жихозлари, ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш ишлари аутсорсер томонидан амалга оширилади.</p>
9	<p>Аутсорсер тўғри овқатланишни ташкил этиш юзасидан таомлар тайёрлаш технологияси бўйича камида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали мутахассислари (муҳандис-технолог, диетолог, гастроэнтеролог, аллерголог, терапевт врач, ошпазлар) мавжуд бўлиши лозим.</p>
10	<p>Хизматлар кўрсатиш муддати – 47 ( қирк етти) кун.</p>
11	<p>Мактабда таомнома режасини тузиш учун мактаб аутсорсерга бир кун олдин соат 16:00 гача бир кун олдинги ўқувчилар сонига нисбатан буюртма тақдим қилади. Шунингдек, ётоқхонада шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган ўқувчиларнинг сони ҳам бир кун олдин тақдим қилинади.</p>
12	<p>Иштирокчилар ўз тақлифларини тақдим этишдан аввал мактаб ошхонаси ва ундаги жихозларни келиб кўриб, танишиб кетишлари мумкин.</p>
13	<p>Аутсорсер томонидан тайёрлаб берилаётган таомлар сифати, вазни, таркибининг таомномага мувофиқлиги мактаб раҳбари, ҳамшира, тарбиячи ҳамда бошқа ходимлардан иборат (зарур ҳолларда, ота-оналар вакиллари қўшилиши мумкин) комиссия томонидан назорат қилинади ва назорат яқунлари мактабнинг тайёр таомлар сифатини назорат қилиш бўйича юритиладиган махсус дафтарда ҳар куни қайд қилиб борилади.</p>

Соғлом овқатлангиришни аутсорсинг усулида ташкил этиш бўйича аутсорсинг  
хизмати кўрсатиладиган мактаб хақида

МАЪЛУМОТ

Лот т/р	Хизмат кўрсатиладиган мактабнинг номи	Манзили	Жами ўқувчилар сони*	Овқатланиш маҳали	
				5 маҳал	2 маҳал
1					

\*Изох: Ўқув йили давомида янгидан синфлар очилганда ёки ёпилганда ва бошқа сабабларга кўра ўқувчилар сони ўзгариши мумкин.

**Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги Гулистон туман  
ихтисослаштирилган мактаб интернатида овқатланиш нормалари,  
энергетик қуввати (оксил, ёғ, углеводлар)\***

№	Маҳсулотларнинг тури	Озуқа моддалар ва энергия миқдори				
		кунлик нормаси, г	оксиллар, г	ёғлар, г	углеводлар, г	ккал
1	Витамин ва минераллар билан бойитилган 1-навли буғдой унидан нон	400	30,4	3,6	199	904
2	1-навли буғдой уни	35	3,71	0,45	25,55	114,63
3	Крахмал	3	0,003		2,38	8,97
4	Ёрмалар, макарон маҳсулотлари, шу жумладан, мош -5 гр	70	7,49	0,21	51,94	233,1
5	Шакар	40	-	-	39,9	159,6
6	Қандолат маҳсулотлари	25	1,85	2,5	19,05	101,5
7	Сариёғ (сигир сугидан тайёрланган)	50	0,3	41,25	0,45	374
8	Ўсимлик мойлари	20	-	19,97	-	179,8
9	2,5–3,2 фоиз ёғли табиий сигир сути	300	8,4	9,6	14,1	174
10	Қатик	200	5,6	6,4	8,2	112,8
11	15 фоизли ёғли сметана	15	0,42	3	0,48	30,9
12	9 фоизли ёғли творог, кислоталиги 150 °Т	50	8,35	4,5	0,65	78,0
13	Қаттик турдаги пишлок	15	3,51	4,5	-	55,65
14	I категорияли мол, қўй, парранда ва қуён (сарпанжа, курак, сончанок, филе, бўйин қисми) гўшти	160	21,24	13,38	-	211,2
15	Балиқ	100	6,8	0,6	-	30,0
16	тухум (дона)	1	5,0	5,52	0,32	62,8
17	Картошка	350	7,0	0,35	68,95	290,5
18	Сабзавотлар, шу жумладан, помидор пастаси (3 гр)	450	8,1	-	24,3	126
19	Мевалар, янги узилган резаворлар, витаминлар билан бойитилган ичимликлар	300	1,2	-	33,9	138,0
20	Қурук мевалар (туршак, майиз, кўксултон, олма, наматак)	30	0,96	-	20,4	81,9
21	Чой	0,5	0,1	-	0,03	0,545
22	Какао	5	1,2	0,85	1,35	18,65
23	Йодланган ош тузи	5	-	-	-	-
24	Хамиртуруш	1	0,12	0,004	0,083	0,85
<b>Жами:</b>			<b>121,753</b>	<b>116,684</b>	<b>419,193</b>	<b>3487,395</b>

\*Изоҳ: Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0024-22-сон СанҚваН)га мувофиқ кўрсатилган

### **III. ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ**



## ШАРТНОМА

20 \_\_\_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи \_\_\_\_\_  
номидан Низом асосида фаолият юритувчи Директор \_\_\_\_\_ бир томондан, ва  
кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи  
\_\_\_\_\_ номидан Устав (ишончнома)  
асосида фаолият юритувчи директор \_\_\_\_\_ иккинчи  
томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади ушбу Шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Пуллик хизмат кўрсатиш Шартномасига кўра, Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, тугагунига қадар ҳар куни Буюртмачи мактаб ўқувчиларини 0024-22-сон СанҚваН Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда тарбияланаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талабларга, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофиқ 5 (беш) ва 2 (икки) маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш манзили: \_\_\_\_\_.  
Мактаб ўқувчилари сони: \_\_\_\_\_ нафар. Беш маҳал овқатланадиган ўқувчилар сони: \_\_\_\_\_ нафар.  
Икки маҳал овқатланадиган ўқувчилар сони: \_\_\_\_\_ нафар. Хизмат кўрсатиш муддати: 1-2-иловаларга мувофиқ кўрсатилган.

1.3.1. Томонлар бажарилган ишларнинг йўл-далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

#### 2.1. Аутсорсер куйидагиларга мажбур:

2.1.1. Мазкур шартноманинг 1.2-бандида қайд этилган хизматларни шартнома имзоланган кундан бошлаб.

2.1.2. Таомни сифатли тайёрлаш бўйича Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда тарбияланаётган болаларни хавфсиз ва сифатли овқатланишини ташкил этилишига оид гигиеник талаблар (0024-22-сон СанҚваН)га, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги ВМҚ 218-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги тизимидаги мактабларда соғлом овқатлантиришни аутсорсорсинг усулида ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида белгиланган талабларга тўлиқ мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.

2.1.3. Мактаб ўқувчиларининг овқатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдиқланган озик-овқат маҳсулотларини харид қилиш ҳамда шу маҳсулотлардан фойдаланиш.

2.1.4. Аутсорсер буюртмачининг буюртмасига асосан ётоқхонада шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган ўқувчиларни ҳам белгиланган тартибда ҳар кунлик овқат билан таъминлаш.

2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1-2-иловаларида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши.

2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида мактаб ошхоналарида ўз фаолиятини санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ амалга ошириш. Таомларнинг (озик-овқат маҳсулотларининг) сифатлилиги, таом тайёрлаш ва истеъмол қилиш жойларининг озодалигига риоя этиш, шунингдек, ошхона идишларининг санитария қоидаларига жавоб беришини таъминлаш.



Агарда ушбу мажбуриятлар юзасидан камчилик аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини 1 кун муддат ичида бажариш.

2.1.7. Малакали, тажрибали, қуйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга Буюртмачига тақдим этган ҳолда таом тайёрлаш жараёнига руҳсат этиши.

2.1.8. Аутсорсер мактаб ўқувчиларини соғлом овқатлантириш хизматини мактаб ошхонасининг ўзида тўлиқ ва сифатли ташкил этиш, шунингдек, ўқувчиларга белгиланган вақтда таомларни тайёрлашда ички тартиб-қоидаларга риоя қилиш.

2.1.9. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги.

2.1.10. Хизматлар нархини оширмаган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан: солиқлар тўлаш; белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш; озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш; озиқ-овқат маҳсулотларини савдо нуқталаридан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш; ошпазлар униформаси, ошхонада ишлатиладиган зарарсизлантирувчи ва ювиш воситалари билан таъминлаш, ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналарини ва бошқа жиҳозларни соз ҳолатда сақлаш, таъмирлаши, қайта тўлдириш, бино ва иншоотларни ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш, хона, мебель, инвентарь ва бошқаларни зарур ҳолатда сақлаш ва жорий таъмирлаш.

2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелени қабул қилиб олиш.

2.1.12. Санитария-гигиена ва бошқа қоидаларга риоя қилмаганлиги сабабли назорат қилувчи органлари томонидан қўлланилувчи молиявий ҳамда бошқа санкция ва жарималар учун шахсан Аутсорсер жавобгар.

2.1.13. Аутсорсер хизматни бошлаши олдида, ўзи ва таом тайёрлаш ҳамда етказиб бериш бўйича барча ходимлари тўғрисидаги маълумотларни (ҳужжат нусхалари билан) Буюртмачига тақдим этиш.

2.1.14. Аутсорсер таомномани бир кун олдинги ўқувчилар сонига мутаносиб равишда ҳар бир ўқувчи учун бир кунлик ўртача сарфланадиган озиқ-овқат маҳсулотлари миқдори ва уларнинг қиймати чиқарилган ҳолда мазкур Шартномага 4-иловада келтирилган шаклга мувофиқ уч нусхада бир кун олдин соат 18.00 гача тузилади ҳамда мактаб директори билан келишилади. Таомноманинг биринчи нусхаси аутсорсерга, иккинчи нусхаси Буюртмачига ҳамда учинчи нусхаси ошхонага фойдаланиш учун берилади. Таомномада тайёр таомлар вазни, нархи, сарфланган маҳсулотлар тури ва уларнинг миқдорлари кўрсатилади.

2.1.15. Аутсорсер мактаб ўқувчиларининг хавфсиз овқатланишини таъминлаш мақсадида мазкур Шартномага 5-иловада келтирилган шаклга мувофиқ сифати тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш дафтари юритиши лозим.

2.1.16. Ҳар ўн кунда тасдиқланган таомномалар нусхалари ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-фактура ҳужжатларини мактаб бухгалтериясига тақдим этиш.

2.1.17. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини уч ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачи мактаб ўқувчиларини овқатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.

2.1.18. Аутсорсер қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

## **2.2. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.2.1. Кўрсатилган хизматлар учун Буюртмачидан тўловларни ўз вақтида тўланишини талаб қилиш.

2.2.2. Мактаб ўқувчиларининг овқатланишини ташкил этиш учун мактаб ошхонасининг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳамда ижара шартномасини расмийлаштириш орқали «ноль» ставкаси бўйича вақтинча фойдаланишга олиш.

## **2.3. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:**

2.3.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун белгиланган нархлар бўйича келишилган тартибда Хизматлар ҳақини тўлаш.

2.3.2. Аутсорсерга мактаб ўқувчиларининг овқатланишини ташкил этиш учун «ноль» ставкаси бўйича ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, жиҳозлари ва мебель анжомларини вақтинча фойдаланишга топшириш бўйича тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномаси ҳамда ижара шартномасини расмийлаштириш.

2.3.3. Мактабда кейинги кунга таомнома режасини тузиш учун Буюртмачи аутсорсерга бир кун олдин соат 16.00 гача бир кун олдинги ўқувчилар сонига нисбатан буюртма тақдим қилади. Шунингдек, ётоқхонада шанба, якшанба ва байрам кунларида қолган ўқувчиларнинг сони ҳам бир кун олдин тақдим қилинади.

2.3.4. Фойдаланиладиган коммунал хизматлар харажатларини белгиланган нормалар асосида мактабга ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш.

2.3.5. Ижара шартномаси доирасида аутсорсерга вақтинча фойдаланишга бериладиган ошхонанинг ишлаб чиқариш хоналари, асбоб-ускуналари ва мебелларни фойдаланиш учун «ноль» ставкада топшириш.

2.3.6. Мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш.

#### **2.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

2.4.1. Аутсорсер томонидан бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва таёрланаётган таомларнинг сифатини таомномага мувофиқлигини исталган вақтда ўз вакиллари орқали текшириш;

2.4.2. Аутсорсердан ўз мажбуриятларини ушбу шартнома ва танлаш ҳужжатларида белгиланган талаблар доирасида бажаришини талаб қилиш;

2.4.3. Аутсорсердан шартнома шартлари бажармаслиги ва/ёки зарар етказган ҳолатларда зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4.4. Шартномани мазкур шартноманинг 2.3.6. банди талабларига риоя қилган ҳолда муддатидан олдин бекор қилиш, бунда Буюртмачи Аутсорсерни шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма равишда огоҳлантирганида, мазкур шартноманинг 2.3.6. бандида назарда тутилган муддат ўтганидан сўнг, аутсорсердан рад жавобини олган тақдирда, аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаб, шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш;

2.4.5. Аутсорсер томонидан тайёрланган таомни истеъмол қилиш натижасида мактаб ўқувчиларининг касалланиши ҳолати юз берган тақдирда, шартномани ушбу шартноманинг 2.3.3. бандидаги талабларга риоя қилмаган ҳолда бир тарафлама бажаришдан бош тортиш;

2.4.6. Буюртмачи қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ НАРХИ ВА ЎЗАРО ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ**

3.1. . Шартнома умумий суммаси \_\_\_\_\_ кун учун 1-2-иловаларга мувофиқ келтирилган хизмат хусусиятлари йиғиндисидан ташкил топади.

3.2. Буюртмачи олдиндан тўловни шартнома ойлик суммасининг 15 фоизи миқдорида шартнома кучга кирган кундан 10 (ўн) банк куни ичида ўтказди.

3.3.1. Қолган 85 фоизи ҳақиқатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чиқиб тақдим этилган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва ҳисоб-фактура асосида ҳар 10 кунда амалга оширилади.

3.3.2. Мактаб ўқувчилари учун кўрсатиладиган овқатланиш хизматларининг белгиланган нархи Аутсорсер етказиб берувчилардан харид қилган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдиқланган озик-овқат маҳсулотларининг амалдаги нархини (Маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланган озик-овқат маҳсулотлари нархидан юқори бўлмаган ҳолда) овқатланиш маҳалидан келиб чиқиб мактаб ўқувчилари сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма “\_\_\_” **фонз устама ҳақи** миқдорига кўпайтирилади (яъни, таомномага кўра овқат таннархи умумий суммаси Аутсорсер томонидан белгиланган устама ҳақига кўпайтирилади).

3.3.3. Овқатланувчи мактаб ўқувчиларининг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва овқатланадиган бир ўқувчига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озик-овқат маҳсулотларининг тақсимотига) мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган ҳолда, бажарилган ишларнинг йиғма



далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва мактаб директори томонидан имзоланади.

3.3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида тўланади.

3.3.5. Мазкур Шартномага 3-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини ҳисоблаш учун озик-овқат маҳсулотларининг нархлари Томонлардан бирининг ташаббуси билан одатда бир ойда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

#### **IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Аутсорсер Буюртмачи мактаб ўқувчиларининг овқатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня (жарима) тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод қилмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ қўлланилади.

4.5. Шартнома асосида хизматларни бажариш санаси ишларни бажариш далолатномаси расмийлаштирилган сана ҳисобланади.

4.6. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг маъсул ходими томонидан ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4.7. Шартнома ва танлаш ҳужжатларида белгиланган хизмат ёки маҳсулотлар сифати, стандартлари ҳамда техник топшириқларига мос бўлмаса, Аутсорсер мос келмаган маҳсулот сифати ёки хизмат нархидан 50% жарима тўлайди.

4.8. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизмат учун Буюртмачи томонидан ўз вақтида амалга оширилмаган тўлов учун Буюртмачи Аутсорсерга кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4% миқдорда пеня, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50%дан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

#### **V. МУНОЗАРАЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Иқтисодий судларда кўриб чиқиш учун берилади.

#### **VI. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАР**

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар оқибати ҳисобланса, мажбуриятдан озод қилинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### **VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

### **VIII. MAЗKYP ШAPTHOМAНИНГ AМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

8.1. Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг Ғазначилиги рўйхатидан ўтгандан сўнг кучга киради ва 1-2-иловаларда кўрсатилган муддатгача амал қилади.

### **IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ**

#### **AУТСOPCEP**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

#### **БУЮРТМАЧИ**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_-сон Шартномага  
5-ИЛОВА

**Сифати тез бузилувчи озиқ-овқат маҳсулотларини қайд этиш  
ДАФТАРИ**

Т/р	Таъминотчи юридик шахсининг номи	Юкхати рақами, маҳсулот олиб келинган вақт ва сана	Сифати тез бузилувчи маҳсулотлар номи	Сифати тез бузилувчи маҳсулотлар миқдори	Сифати хақида маълумот	Ишлатиш муддатининг охирги санаси ва вақти	Имзо
1.							
2.							
3.							
4.							
5.							
...							

#### **IV. ТАҢЛАШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ИЛОВАЛАР**



*(Иштирокчининг фирма бланкасида)***Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар**

*[Танлаш иштирокчиси қуйида келтирилган йўриқномаларга мувофиқ ушбу шаклни тўлдириши лозим. Таклиф қилинган форматда ҳеч қанақа ўзгартиш ва алмаштирувга йўл қўйилмайди.]*

Сана: *[танлаш таклифи берилган сана (йил, кун, ой) ёзилсин]*

№ \_\_\_\_\_

1. Танлаш иштирокчиси номи <i>[Иштирокчининг расмий номи ёзилсин]</i>
2. Танлаш иштирокчиси рўйхатга олинган манзил: <i>[рўйхатга олинган ҳақиқий мамлакат номи ёзилсин]</i>
3. Танлаш иштирокчиси рўйхатга олинган гувоҳнома маълумотлари: <i>[рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган сана, қайд рақами, танлаш иштирокчисининг рўйхатга олиш органи номи ёзилсин]</i>
4. Танлаш иштирокчисининг ваколатли вакили тўғрисидаги маълумотлар Исми: <i>[ваколатли вакилнинг исми ёзилсин]</i> Манзили: <i>[ваколатли вакилнинг манзили ёзилсин]</i> Телефон/факс: <i>[ваколатли вакилнинг телефон/факс рақами ёзилсин]</i> Электрон почта манзили: <i>[ваколатли вакилнинг электрон почта манзили ёзилсин]</i>
5. Банк реквизитлари:
6. Таъсис ҳужжатларида кўрсатилган устав капитали <i>(устав фонди, устав жамғармаси ёки бошқа)</i> нинг миқдори _____
7. Танлаш иштирокчисининг таъсисчилари тўғрисидаги маълумотлар: - <i>[таъсисчиларнинг тўлиқ исми ёзилсин]</i> - ...
8. Фаолиятнинг асосий йўналишлари: <i>[асосий фаолият йўналиши кўрсатилсин]</i>
9. Ҳужжатлар асл нусхаларининг илова қилинаётган нусхалари: <i>[илова қилинаётган нусхаларнинг номи]</i> <input type="checkbox"/> юқорида қайд қилинган иштирокчининг рўйхатга олиш гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлар.

**Талаб қилинаётган ёки шунга ўхшаш хизматларни бажариш тажрибаси ҳақида маълумот**

№	Бажарилган Иш / Кўрсатилган хизмат номи*	Харидор номи, унинг манзили ва алоқа маълумотлари*	Вақти (муддатлари)*	Эслатма*

*\*Изоҳ: етказиб бериш тажрибаси илгари тузилган шартнома нусхасини тақдим этиш билан тасдиқланади.*

\_\_\_\_\_ (ваколатли шахс илғоси)

\_\_\_\_\_ (ваколатли шахснинг Ф.И.О. ва лавозими)

М.Ў.

Сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

(Иштирокчининг фирма бланкасида)

**Танлаш харид комиссияси раисига**

**КАФОЛАТ ХАТИ**

Танлаш хужжатларини ўрганиб чикиб, ушбу кафолат хати билан биз \_\_\_\_\_ (танлаш иштирокчисининг тўлиқ номи) куйидагиларни:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида эмаслигимизни;
- Давлат буюртмачиси (Давлат буюртмачиси тўлиқ номи) билан суд ёки ҳакамлик ҳолатида эмаслигимизни;
- Давлат буюртмачиси (Давлат буюртмачиси тўлиқ номи) билан илгари тузилган шартномалар бўйича лозим даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг мавжуд эмаслигини;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслигимизни тасдиқлаймиз.

Ф.И.О. [корхона раҳбари ёки ишончномага мувофиқ вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилсин].

\_\_\_\_\_ [таклифини имзолаган масъул шахснинг лавозими кўрсатилсин].

\_\_\_\_\_ [фамилияси юқорида қайд қилинган масъул шахснинг имзоси].

м.ў.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли ишончнома бўйича \_\_\_\_\_ {Иштирокчининг тўлиқ исми кўрсатилсин} номидан ва топшириғи бўйича танлаш таклифини имзолашга барча ваколатларга эга бўлган шахс (ишончнома асосида имзоланган тақдирда кўрсатилади).

(Иштирокчисининг фирма бланкасида)

№ ва сана

\_\_\_\_\_ сонли лот бўйича мактабларда соғлом овқатланишни аутсорсинг усулида ташкил этиш хизматнинг техник таклифи жадвали

Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда соғлом овқатланишни ташкил этиш бўйича таклиф этилаётган 10 кунлик намунавий таомнома

	Таомнома	Маҳсулотлар номи	Таом вазни	Маҳсулотлар (гр)	Оқсил	Ёғ	Углеводлар	Ккал
Нонушта	{Таом номлари ёзилсин}	{Таом тайёрланган маҳсулотлар номлари кўрсатилсин}	{Умумий таом вазни кўрсати лсин}	{Таом тайёрлаида ишлатилган маҳсулотлар оғирлиги кўрсатилсин}	{Таом тайёрлаи да ишлатилг ан ҳар бир маҳсулот даги таркиби кўрсатилсин}	{Таом тайёрлаи да ишлатилг ан ҳар бир маҳсулот даги таркиби кўрсатилсин}	{Таом тайёрлаи да ишлатилг ан ҳар бир маҳсулот даги таркиби кўрсатилсин}	{Таомнинг энергетик қуввати кўрсатилсин}
Иккинчи нонушта								
Тушлик								
Иккинчи тушлик								
Кечки овқат								
	Бир боланинг бир кунлик рационини, жами* (Нормада белгиланган кўрсаткичларга мувофиқ бўлиши лозим)							

Изоҳ: Иштирокчилар юқорида кўрсатилган шаклда 10 кунлик намунавий таомнома ишлаб чиқишлари лозим.

*\*Иштирокчилар томонидан тайёрланган Таомнома Танлаш ҳужжатининг II-Бўлимида кўрсатилган талаблар ҳамда Буюртмачи мактаблари учун махсус ишлаб чиқилган Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидаги мактабларда тарбияланаётган болаларнинг хавфсиз ва сифатли овқатланишини таъкил этилишига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари (0024-22-сон СанКваН)га қатъий риоя этган ҳолда ишлаб чиқилиши лозим.*

*Шу билан бирга, Иштирокчилар мактаб ўқувчилари учун тайёрланадиган таомларнинг сифати ва белгиланган нормаларга мувофиқлиги юзасидан қўшимча маълумотлар беришлари мумкин.*

Ф.И.О. [корхона раҳбари ёки ишончномага мувофиқ вакилнинг фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатилсин].

«\_\_\_\_\_» [таклифни имзолаган масъул шахснинг лавозими кўрсатилсин].

«\_\_\_\_\_» [фамилияси юқорида қайд қилинган масъул шахснинг имзоси].

м.ў.

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сонли ишончнома бўйича \_\_\_\_\_ {Иштирокчининг тўлиқ исми кўрсатилсин} номидан ва топшириғи бўйича танлаш таклифини имзолашга барча ваколатларга эга бўлган шахс (Ишончнома асосида имзоланган тақдирда кўрсатилади).

## Танлаш иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш тартиби ва мезонлари

Танлаш иштирокчиларнинг малакасини баҳолаш Харид комиссияси томонидан амалга оширилади. Таклифнинг малакавий қисми учун умумий бериладиган балл 20 баллни ташкил этади. Иштирокчи томонидан талаб этилган маълумотлар тақдим қилинмаган бўлса, Комиссия уни танлашда иштирок этишга йўл қўймаслик ҳуқуқига эга.

### 1. Дастлабки малакавий баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Изоҳ	Баҳолаш
1	Танлаш иштирокчисининг умумий маълумоти ва тажрибаси ҳақида маълумотнома	Ҳа / Йўқ ( <i>иштирокчининг маълумотномаси асосида баҳоланади</i> )	Тажриба 2 йил ва ундан ортиқ – 5 балл Тажриба 2 йилдан кам (ёки маълумот тақдим этилмаган) – 0 балл
2	Танлаш иштирокчиси қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик босқичида, буюртмачи билан суд жараёни ёки арбитраж ҳолатида, инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида мавжуд эмаслиги ҳақида, шунингдек, илгари тузилган шартномалар бўйича зарур даражада бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлиги тўғрисида қафолат хати тақдим этилганлиги	Ҳа / Йўқ ( <i>иштирокчининг қафолат хати асосида баҳоланади</i> )	Ҳа – 5 балл Йўқ (маълумот тақдим этилмаган) – 0 балл
3	Танлаш иштирокчисининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида солиқ органидан олинган маълумотнома	Ҳа / Қарздорлик мавжуд ( <i>иштирокчининг қафолат хати асосида баҳоланади</i> )	Ҳа – 5 балл Қарздорлик мавжуд (ёки маълумотнома тақдим этилмаган) – 0 балл
4	Иштирокчи томонидан коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этилганлиги	Ҳа / Йўқ	Ҳа – 5 балл Йўқ (маълумотнома тақдим этилмаган) – 0 балл

### 2. Таклифнинг техник қисмини баҳолаш

Таклифларнинг техник қисмини баҳолаш Танлаш ҳужжатларига асосан, Комиссия томонидан (зарур ҳолларда мутахассис жалб қилган ҳолда) амалга оширилади. Таклифнинг техник қисмида иштирокчи томонидан тақдим этилган намуна баҳоланади. Техник таклиф учун бериладиган умумий балл 60 баллни ташкил этади. Техник баҳолашдан ўтмаган (баллар натижаларига кўра 40 балл ва ундан кам балл тўплаган) Танлаш иштирокчиларининг таклифлари кейинги кўриб чиқишдан рад этилади.



### Техник баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Изох
1	Техник топширик талабларига мувофик тақдим этилган 10 кунлик таомномага кўра энг юқори балл билан баҳоланади	Максимал бериладиган балл – 60 балл Техник тақлиф (10 кунлик таомнома) тақдим этилмаса - 0 балл
	Озука моддалар ва энергия миқдори:	
	Оксиллар (121,753 гр.)	Мувофик – 10 балл/ Мувофик эмас – 0 балл
	Ёғлар (116,684 гр.)	Мувофик – 10 балл/ Мувофик эмас – 0 балл
	Углеводлар (419,193 гр.)	Мувофик – 10 балл/ Мувофик эмас – 0 балл
	Килокалория (3487,395 ккал)	Мувофик – 10 балл/ Мувофик эмас – 0 балл
	Тавсия этилмайдиган озик-овқат маҳсулотларидан фойдаланганлик	Фойдаланилмаган – 20 балл 1 дан 3 тагача хилдаги маҳсулотлардан фойдаланилган – 10 балл 3 дан кўп хилдаги маҳсулотлардан фойдаланилган – 0 балл

### 3. Тақлифнинг нарх қисмини баҳолаш

Харид комиссияси томонидан тақлифларнинг нарх қисми иштирокчиларнинг электрон тижорат тақлифлари асосида тизим томонидан автоматик тарзда амалга оширилади. Тақлифнинг нарх қисми учун максимал бериладиган балл 20 баллни ташкил этади. Энг паст нарх/қиймат энг юқори балл билан баҳоланади. (максимал балл индикаторнинг минимал кўрсаткичга бериледи)

### 4. Тақлифларни комплекс баҳолаш

Тақлифларни комплекс баҳолаш харид комиссияси томонидан олинган қуйидаги маълумотлар натижаларига асосланган ҳолда амалга оширилади.

- 1). Техник-малакавий қисмини баҳолаш;
- 2). Нарх қисмини баҳолаш

№	Мезон	Барча тоифалар бўйича умумий баҳолаш 100 балл	
1.	<b>Техник-малакавий қисмини баҳолаш</b>		<b>80 балл</b>
	1.1	Малакавий қисм	20 балл
	1.2	Техник қисм	60 балл
2.	<b>Нархни баҳолаш</b>		<b>20 балл</b>
	2.1	Нарх қисми	20 балл